

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 770-ҳадис

770 - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَنَفَّسُ فِي الشَّرَابِ ثَلَاثًا.
مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6531، م 2028/123].

يَعْنِي: يَتَنَفَّسُ حَاجَ الْإِنَاءِ.

770. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ичишда (идишни ташқарисида нафас олиб) уч марта пуфлардилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагича эди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ичишда уч марта пуфлардилар ва: **«Бу чанқоқни босувчироқ, кесувчироқ ва (ютуми) мулойимроқдир»**, дер эдилар. Мен ҳам ичишда уч бор нафас оламан». (Имом Муслим ривояти).

Уламо аҳли бу хилда ичимлик ичишни яхшилаб текшириб кўрганлар. Одам чанқаб турганда бадани, ички аъзолари ўзига яраша бошқача бир ҳолатда бўлар экан. Албатта, ўша пайтда бирданига кўп миқдордаги совуқ ичимлик истеъмол этиш соғлиқка зарар экан. Аммо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига амал қилиб ичишда эса, катта фойдалар бор экан.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ичимлик ичганда уч марта нафас олар эдилар».

Яъни, У зот аввал бир оз ичимлик ичиб, оғизлари, томоқлари ва бошқа аъзоларининг чанқоқлик ҳолидан бир оз бошқа ҳолга ўтишини таъминлар

эдилар. Аъзолар бир оз кўникиб олгандан кейин эса, кўпроқ ичар эдилар. Ҳамма нарса ўз ўрнини топгандан сўнг, керагини ичар эдилар ва:

«Бу чанқоқни босувчироқ, кесувчироқ ва (ютуми) мулойимроқдир», дер эдилар.

Яъни, мана шундоқ қилиб ичилганда чанқоқ қонади, соғликка зарар етмайди ва ичимликнинг баданга ботиб, сингиб кетиши ҳам яхши бўлади.

«Анас:

«Бас, мен ҳам ичимлик ичганда уч марта нафас оламан», деди».

Ҳадиснинг ровийлари Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ўзлари ривоят қилган ҳадисга ўзлари қандоқ амал қилишларини ҳам тарғиб учун қўшиб қўймоқдалар. Бизлар ҳам шундоқ амал қилмоғимиз лозим.

Бирор ичимликни уч хўпладан қилиб ичишнинг ва ҳар хўпладан кейин нафас олишнинг ҳамда нафас олаётганда идишдан узоқда туришнинг маҳбублиги. Албатта бундай қилишнинг сихҳат-саломатлик учун фойдалари кўпдир.

Манба: hadis.islom.uz

